

"Xonqa don maxsulotlari" акциядорлик  
жамияти акциядорининг 2016 йил  
30 июнданги йиғилишида тасдиқланган



**"Xonqa don maxsulotlari" акциядорлик жамиятининг  
"Дивиденд сиёсати тұғрисида"ги  
Низоми**

## МУНДАРИЖА

T/P №	МАЗМУНИ	Бет №
1.	Асосий тушунчалар	3
2.	Умумий қоидалар	3
3.	Дивидендларни тулаш муддатлари ва тулаш түгрисидаги карор	4
4.	Дивидендларни тұлаш тартиби	5

## **Дивиденд сиёсати тұғрисида Низом**

Мазкур низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тұғрисида", "Кимматли қоғозлар бозори тұғрисида"ги конунлари, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишиңинг 9-сон баённомаси билан тасдиқланган "Корпоратив бошқарув кодекси", Узбекистон Республикасининг бошқа конунчилік актлари ҳамда "Хонқа дон махсулотлари" акциядорлик жамияти (кейинги матнларда жамият деб юритилади) нинг Уставига мувофик ишлаб чиқилған булиб, жамият томонидан көттөй риоя қилиниши шарт бүлған меъёрий хужжат ҳисобланади.

### **I. Асосий түшунчалар.**

Кимматли қоғозлар марказий депозитарийсі - депозитарийларда депо ҳисоб ракамлари буйича эмиссиявий кимматли қоғозларни сақлаш, бундай кимматли қоғозларга бүлған хуқуқларни ҳисобға олиш эмиссиявий кимматли қоғозлар харакати ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийсі.

Дивиденд - фойданинг соликлар ва бошқа мажбурий туловлар тұланганидан сунг корхона ихтиёрида қоладиган ва акциялар уртасыда тақсимланиши керак бүлған қисми.

### **II. Умумий қоидалар.**

- 2.1. Дивиденд сиёсати жамият акцияларига тұланадиган дивидендлар ҳисоб-китобини юритиш ҳамда тұланған дивидендлар буйича ҳисоботлар шакларини тәқдим этишни тартибға солади.
- 2.2. Жамият акциялар буйича зылон қилинған дивидендларни тұлаши шарт. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кура пул күчириш иули, ёки нақд пул маблағлари ёхуд жамиятнинг кимматли қоғозлари билан тұланиши мүмкін.
- 2.3. Дивиденд акциядорлар уртасыда, уларға тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.

### **III. Дивидендларни тұлаш муддатлари ва тұлаш тұғрисида қарор.**

- 3.1. Дивиденд жамият соғ фойдасининг акциядорлар уртасыда тақсимланадиган қисмидир.
- 3.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кура пул маблағлари, ёки нақд пул ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тұланиши мүмкін.
- 3.3. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, түккіз ойи натижаларига кура ва (ёки) молиявий йил натижаларига кура, агар ушбу низом ва жамият уставида бошқача қоида белгіланмаган бұлса, жойлаштирилған-акциялар буйича дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақыл.
- 3.4. Молиявий йилнинг якуний натижаларига кура тегишли давр тугагандан кейин жамият олти ой ичіда дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул қилиши мүмкін.
- 3.5. Акцияларнинг ҳар бир тури буйича дивидендлар тұлаш, дивиденднинг міндері, уни тұлаш шакли ва тартиби тұғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилігі ҳакида аудиторлық холосаси мавжуд бүлған тақдирда, молиявий ҳисобот

маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қиласди.

3.6. Дивидендларнинг микдори жамият қузатув кенгаши томонидан тавсия этилган микдордан кўп булиши мумкин эмас. Дивидендлар тулаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тулаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган булиши лозим.

#### **IV. Дивидендларни тулаш тартиби.**

4.1. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) утган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан туланди.

4.2. Дивидендларни тулаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тулаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч булмаслиги лозим.

4.3. Эгаси, ёки эгасининг қонуний хукуқий вориси, ёхуд меросхури томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

4.4. Жамият Узбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига уtkазиб бериши шарт.

4.5. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос булиб хизмат қиласди.

4.6. Акциядорларга дивидендларни тулаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилщини утказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар буйича дивиденд олиш хукуқига эга.

4.7. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан туланмаган (олинмаган) тақдирда туланмаган (олинмаган) дивидендлар буйича Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиккан ҳолда пея ҳисобланади. Туланмаган (олинмаган) дивидендлар буйича ҳисобланадиган пеялар микдори туланмаган (олинмаган) дивидендлар микдорининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

4.8. Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пеялар туланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан туланмаган тақдирда жамиятга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибида толовга қобилиятсизликни бартараф этиш, ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

(53-модданинг матни Узбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги УРҚ-396-сонли Конуни таҳририда- УР КХТ, 2015 й., 52-сон, 645-модда)

4.9. Дивидендларни тулашга доир чекловлар

Жамият:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тулаб булингунига қадар;

агар дивидендлар тұланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса, ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тулаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар буйича дивидендлар тулаш тұғрисида карор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тулашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада курсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тулаши шарт.

4.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тұланадиган дивидендлар миқдори тұғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартыбга солиш буйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида конун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

4.11. Дивидендларга солик солиш солик тұғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солик солиш буйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.